

ИВАНОВО — ТОШКЕНТ: МЕХНАТ ҚАРДОШЛИГИ

БУТҮН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

20-ИЙЛ
ЧИҚИШИ

№ 54 (4770).

17
МАРТ
ШАНБА
1973 ЙИЛ
Баҳоси 2 тийин.

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИНГ АСОСИЙ ШИОРИ:
*тез, соз, сифатли
ва арзон маҳсулот
ишлаб чиқаришдир.*

МУСОБАҚА, ДЎСТЛИК ОЛҒА ЧОРЛАЙДИ

Илгари газетамизда хабар берилганидек, шу йилнинг 22 февралда Тошкент об-ласт комиссиясининг мажлисида дўст-лик митинги бўлиб, унда Тошкент ва Иваново областлари ўртасида антагоний социалистик мусобақани янада ривожлантириш тўғрисидаги шартнома имзоланган эди.

Дўстлик митингида Иваново область делегацияси аъзолари — КПСС Иваново область комитетининг биринчи секретари Владимир Григорьевич Ключев, Иваново металл комбинати йигирувчиси Анастасия Федоровна Ерофеева, «Шуйский пролетарий» фабрикаси мастертининг ёрдамчиси, РСФСР Олий Совети депутаты, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Александр Иванович Никитин иштирок этдилар.

Митингда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, Иваново область партия комитетининг биринчи секретари В. Г. Ключев, Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Л. П. Казанцева, Бекобод районидagi «Победа» колхозни

бригада бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони К. Эгамбердиев, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти О. С. Соликов, Ўрта Чирчиқ районидagi Терешкова номи колхоз раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты У. Хасанова, «Узбекишхотстрой» трест партия комитетининг секретари Ю. Н. Остриков сўзга чиқдилар.

Митингда икки қардош область меҳнаткашлари ўртасида социалистик мусобақани янада ривожлантириш ҳақидаги ўзаро келишилган шартнома имзоланган эди. Бу шартномани бугун эълон қиламиз.

Сўрабди: «Шуйский пролетарий» фабрикасининг мастер ёрдамчиси, РСФСР Олий Советининг депутаты, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. И. Никитин ва Янгийўл районидagi Киров номи колхоз участка мудир, СССР Олий Советининг депутаты, Ленин мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Т. Охунова ўзаро мусобақалашини ҳақидаги шартномани имзоламоқдалар.



1973 ЙИЛДА ТОШКЕНТ ВА ИВАНОВО ОБЛАСТЛАРИ МЕХНАТКАШЛАРИНИНГ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАҚИДА

ШАРТНОМА

КПСС XXIV съезди белгиланган коммунист курлиши янги босқичдаги улуғвор программаси совет ишчиларида мисли қўрилмаган сиёсий ва меҳнат кўтаринкилигини букудга келтирди.

Тошкент ва Иваново областлари меҳнаткашлари бутун совет халқи қатори тўқимачилик беш йилликда саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳалари олдида қўйилган барча вазифаларни муваффақиятли ҳал қилмоқдалар.

СССР ташкил этилганлигининг шонли 50 йиллиги шарафига умумхалқ социалистик мусобақасининг аяқ олганлиги коммунизм иши учун фидокорона меҳнат қилишини яна бир ёрқин қўриқларидан бири бўлди. СССР бойлигини байрам қилишини мамлакатимиз халқларининг бундаси дўстлиги, улар Коммунистик партия ва унинг Марказий Комитети теваригида маҳкам жипслашганликлари, мамлакатимизда коммунистик жамият галабаси йўлдан дадил олға бориш учун қатъий аҳд қилганликларининг намоёниши бўлди.

Ҳозирги вақтда барча меҳнат коллективларида КПСС Марказий Комитети декабрь (1972 йил) Пленуми қарори ва КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1973 йил халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш учун меҳнаткашларнинг Бутуниттифок социалистик мусобақасини аяқ олдириш тўғрисидаги қарорига жавобан тўқимачилик беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида қўйилган барча вазифаларни муваффақиятли бажариш учун кураш аяқ олмоқда.

Тошкент ва Иваново областлари меҳнаткашларининг қўй йиллик дўстлиги, меҳнатдаги ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдами бу областлар меҳнаткашлари олдида турган вазифаларининг бажарилишига ёрдам беради.

Янги-янги муваффақиятларга эришини социалистик мусобақа пухта ташкил этилганлиги ва таъсирчанлиги, илгори тажрибанинг ёйилиши, ишлаб чиқаришнинг янги резервлардан яхши фойдаланишга боғлиқ эканлигини яхши тушуниган Тошкент ва Иваново областлари меҳнаткашлари ўзаро социалистик мусобақалашини учун қуйидаги шартномани туздилар.

Областлар меҳнаткашларининг 1973 йилдаги мусобақаси кам ҳаражат қилиб, кўпроқ,

сифатли маҳсулот бериш шиори остида ўтсин; Саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, совхозлар, колхозлар, хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари коллективларининг куч-ғайратини — экономикани ривожлантиришнинг ҳал қилувчи омилли ҳисобланган меҳнат кучини дорилини тўхтовсиз ошириш; ишлаб чиқариш ва меҳнатини ташкил этишни, таъминлаштириш, мавжуд асбоб-ускуналардан тўлроқ фойдаланиш; хом ашё, материаллар, электр энергияси, ёқилғини ҳар томонлама иқтисод қилиш ва шу ҳисобдан пландагидан ташқари маҳсулот ишлаб чиқариш; белгиланган нормативлар ва ассортиментда маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича тош-шириқларини сўзсиз бажариш, қишлоқ хўжалик буюртмаларини муддатидан илгари бажариш, фан ва техника ютуқларини жорий қилиш, маҳсулот сифатини яхшилаш; қурилиш муддатларини қисқартириш, ишлаб чиқариш қувватларини тежор фойдаланишга тошпириш ва ўзлаштириш; маҳсулот таннархини камай-тириш; барча тармоқ корхоналарида халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришини кў-пайтириш, ассортиментини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш; дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳосилдорлигини оши-риш, қорвачилик маҳсулотлари еттиштириш ва уларни давлатга сотишда юксак кўрсаткич-ларга эришишга сафарбар этилади.

Мусобақа натижаларини яқинлашда давлат планлари ва социалистик мажбуриятларининг бажарилишига эришилган энг яхши кўрсат-кичлар ҳисобга олинади.

САНОАТДА:

Маҳсулот реализация қилишининг ассор-тиментда, меҳнат унумдорлиги ва фойда пла-ларининг бажарилиши. Маҳсулот сифати ва янги техникани жорий қилиш бўйича планлар-нинг бажарилиши. Утган йилнинг маълум давридаги нисбатан халқ истеъмоли товар-

лари ва уй-руғор буюмлари ишлаб чиқариш-нинг кўпайиши.

ҚУРИЛИШ ВА

ОБОДОНЛАШТИРИШДА:

Ишлаб чиқариш, уй-жой, маданий-маиший ва коммунал қурилиш учун ажратилган маб-лағларини ўзлаштириш, ишлаб чиқариш қувватлари, турар-жойлар, мактаблар, касал-хоналар, мактабгача ёшдаги болалар муассас-салари, саёдо, умумий овқатланиш ва маи-ший хизмат кўрсатиш корхоналари, водопро-вод ва канализация тармоқларини фойдала-нишга тошпириш.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА:

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг барча турлари бўйича меҳнат унумдорлигини оши-риш ва маҳсулот таннархини камайтириш халқ хўжалик планининг бажарилиши.

САВДО, МАИШИЙ

ХИЗМАТ КЎРСАТИШДА:

Товар обороти бўйича планининг бажарили-ши, савдо ва умумий овқатланиш корхонала-рида ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ва прогрессив усулларининг ривожланиши, ҳар бир шаҳар ва қишлоқда халқга хизмат кўрсатиш мада-ниятини ошириш, аҳоли жойи бошга маиший хизмат кўрсатиш плани бажарилиши.

Икки область меҳнаткашлари ўртасидаги социалистик мусобақа натижалари ҳар йи-ли икки марта — биринчи янги йиллик ва йил якунлари бўйича икки область делегациялари вакиллариининг биргаликдаги мажлисида яқун-ланади.

Мажлис натижалари билан Тошкент ва Ива-ново шаҳарларида ўтказилади.

Тошкент ва Иваново областлари меҳнат-кашлари социалистик мусобақасининг яқунла-

ри «Рабочий край», «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари саҳифала-рида эълон қилинади.

Саноат, транспорт, қурилишнинг турдош ва бир-бирига алоқадор корхоналари ҳамда ташкилотлари, колхоз, совхоз коллективлари-нинг социалистик мусобақа шартномаларини тузишни ташкил этиш, 1973 йил учун олинган социалистик мажбуриятларини ўзаро айрибош-лашни ташкил этиш.

Ҳар қавартада областлар, социалистик му-собақалашини учун ўзаро шартнома тузган меҳнат коллективлари ўртасида давлат план-лари ва социалистик мажбуриятларининг ба-жарилиш кўрсаткичларини айрибошлаш, Тош-кент ва Иваново шаҳарларида, корхоналар ва ташкилотларда Кўрсаткич тахталари таъсис этиш ва яхшилаш.

Вақти-вақти билан халқ хўжалигининг у-ёки бу тармоқдаги энг яхши иш таъриблар-ини ўрганиш учун мутахассислар гуруҳлари юбориб туриш.

ИВАНОВО ОБЛАСТИ БЎЙИЧА:

В. КЛЮЕВ,
Иваново область партия комитетининг сек-ретари.
А. СОЗИКИН,
Меҳнаткашлар депутатлари Иваново об-ласт Совети икрия комитетининг раиси.
Ф. ЕГОРОВ,
облсовпроф раиси.
Н. БАЛАБАНОВА,
ВЛКСМ область комитетининг секретари.
А. ЕРОФЕЕВА,
Иванова металл комбинатининг йигирув-чиси.
А. НИКИТИН,
«Шуйский пролетарий» фабрикасининг мас-тер ёрдамчиси, Социалистик Меҳнат Қа-ҳрамони.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА:

М. МУСАХОНОВ,
Тошкент область партия комитетининг секретари.
С. АСОМОВ,
Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент об-ласт Совети икрия комитетининг раиси.
А. БРАЙЛОВ,
облсовпроф раиси.
О. ИСХОҚОВ,
Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент область коми-тетининг секретари.
Л. КАЗАНЦЕВА,
Тошкент тўқимачилик комбинатининг тў-қувчиси.
Т. ОХУНОВА,
Янгийўл районидagi Киров номи колхоз бригадир, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.



Ивановолик меҳмонлар Самарқанднинг тарихий ёдгорликларини томоша қилмоқдалар.
А. Абалия фотолари.

ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

ТЕХРОН. 15 март. (ТАСС махсус мухбири). Бугун Исфандонда металлургия заводини кенгайтиришда ҳамкорлик қилиш тўғрисида СССР ҳукумати билан Эрон ҳукумати ўртасида битим имзоланди. Битимни СССР Министрлар Совети таш-кил иқтисодий алоқалар давлат Комитети раисининг ўринбосари И. А. Кулев ва Эрон экономика

ДЎСТЛИК МУСТАҲКАМЛАШМОҚДА

СССР билан Болгария Халқ Республикалари ўртасида дўст-лик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома имзолан-ган кунга 25 йил тўлишини барча совет ишчилари ва қар-дош болгар халқи билан бир-ликлда Ўзбекистон меҳнаткаш-лари тантанали равишда ни-шонламоқдалар.

16 мартда Тошкентда шонли йилликни нишонлаш юзасидан шаҳар ва пойтахт области жа-моатчилиги намоёндаларининг йиғилиши ўтказилди. Совет-Болгария дўстлиги жамиятлари Ўзбекистон бўлими правление-

сининг раиси Х. Р. Мусахонова доклад қилди. Докладчи, шу-нингдек Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Р. К. Шоньезматов, тўқимачилик ком-бинатининг ишчиси Х. Раҳма-туллаева кейинги йилларда Тошкент области билан Болга-рийнинг Хасаново округи ўрта-сида традицион алоқалар анча мустаҳкамланганлигини маъну-ний билан таъкидлаб ўтдилар.

Болгария Халқ Республикаси СССРдаги аличхонасининг би-ринчи секретари А. Атанасов нутқини мажлис аҳли саминий кутуб олди.

„КОММУНИСТИК МАНИФЕСТ“ ЮБИЛЕЙИ

БЕРЛИН. (ТАСС). Бу ерда «Ишчилар сийфининг тарихий миссияси ва ҳозирги замоннинг жаҳоншумул революцион жара-ғини» деган мавзуда халқаро назарий конференция очилди. «Коммунистик партия манифес-тининг 125 йиллигига бағиш-ланган бу назарий конферен-цияда қардош коммунист ва ишчи партиялардан, шунингдек миллий революцион партиялар-дан келган — 45 делегация қат-нашмоқда. Конференция ишда КПСС Марказий Комитети Сий-сий Бюросининг аъзоллигига қа-дидат, партия Марказий Коми-тетининг секретари Б. Н. Пономарев, КПСС Марказий Коми-тетининг аъзоси, КПСС Марка-зий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти-нинг директори П. Н. Федосеев ва КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари Г. Х. Шахназаровдан иборат

КПСС делегацияси иштирок қилмоқда.

Конференцияда Германия Бирлашган социалистик партия-си делегациясининг бошлиғи, Германия Бирлашган социали-стик партияси Марказий Коми-тетининг биринчи секретари Э. Хонеккер кириш нутқи сузлаб очди.

Сўнгра Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Сийсий Бюросининг аъзоси, Марказий Комитет сек-ретари К. Хагер, «Коммунистик партия манифести ва жаҳон ре-волюцион жарағини» деган мав-зуда доклад қилди.

Конференцияда КПСС Мар-казий Комитети Сийсий Бюро-сининг аъзоллигига қаидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев «Коммунистик манифест ва за-монанийлик» деган мавзуда доклад қилди.

(ТАСС).

